

ЎЎТ 619:636.576.895.

ИКСОДИДОЗЛАРНИНГ ЗАРАРИ ҲАМДА МАВСУМИЙЛИГИ

Рахимов М.Ю. - PhD доктори, катта илмий ходим
Ветеринария илмий тадқиқот институти

Аннотация. Размножение иксодовых клещей среди рогатого скота наносит большой вред экономике дехканских, частных и собственных предприятий. Поэтому, очень важно бороться с ними, изучать динамику их сезонного распространения во вторичных биоценозах (антропогенных биоценозах).

Resume. Increasing of (Ixodidae) ticks among kettles makes a great damage into the economy of farm, private and own enterprises. That's why, it is very important to struggle against them, to study seasonal dynamics of their spreading in secondary biocenoses (anthropogenic biocenoses).

Кириш: Республикамизда чорва молларини кўпайтириш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, қолайверса аҳолини санитария-эпидемиологик осойишталигини ва чорвани эпизоотик ҳолатини барқарорлаштириш ҳамда аҳолини озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга катта аҳамият берилмоқда, янгидан-янги ислохотлар ўтказилмоқда, деҳқон (фермер) хўжаликлари, микрофермалар ташкил қилинмоқда.

Бугунги кунда дунёнинг кўпчилики давлатларида паразитар ҳамда трансмиссив касалликлар кенг тарқалган бўлиб, улар чорвачиликка катта иқтисодий зарар етказиб келмоқда. Ҳозирда ушбу касалликларга ва бошқа касалликларнинг махсус (*Vector*) тарқатувчилари бўлган қон сўрувчи каналарга қарши курашиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. «Қон сўрувчи каналар қон сўриш билан бирга ҳайвоннинг терисини жароҳатлаб, 85% тери хомашёсини ишлаб чиқаришга яроқсиз ҳолатга келтиради, бундан ташқари ёппасига ҳайвонларга ташланганида ҳар бир бош соғин сигирнинг сут маҳсулдорлиги 18-20%, тана вазни 12 фоизгача камаяди»¹. Қорамоллар иксодидозларини аниқлаш, каналарни тарқалишини ўрганиш ва уларга қарши курашиш тадбирларини такомиллаштириш муҳим вазифалардан биридир.

Шунинг учун республикамизда кенг тарқалган паразитар ҳамда хавфли трансмиссив (ўлат, кана энцефалити, туляремия, ўзбекистон геморрагик иситмаси, қайталовчи ва тошмали тиф, безгак, трипаносомоз, лейшманиоз, бруцеллёз ва бошқа кўплаб) касалликларининг *Vector* тарқатувчилари бўлган иксод каналарига қарши курашнинг янги, экологияга, одамлар ва ҳайвонлар соғлигига, фойдали фауна ва флорага хавфсиз бўлган усул ва воситаларини тадқиқ ва жорий қилиш кун тартибига қўйилмоқда. Айни пайтда чорвачиликнинг микроферма, хусусий ва шахсий хўжаликлар тизимида олиб

борилиши зообиоценозларда (биоценозларда) эктопаразитлар фаунаси ва экологиясини, миграциясини ўрганиш зарурияти туғилмоқда.

Тадқиқот мақсади: Патоген иксод каналарининг фаунасини, мавсумий ҳаракатини ҳамда динамикасини ўрганиш.

Тадқиқот услуби: Терилган эктопаразитлар тури арахноэнтомология лабораториясида қўлланма ва аниқлагич жадваллар ҳамда «Определитель пухоедов Mallophaga домашних животных», «Атлас исодоидных клещей», «Определитель членистоногих, вредящих здоровью человека» ҳамда бошқа махсус адабиётлар ёрдамида аниқланди.

Тадқиқотлар натижалари; Чорвачилик хўжаликларида асосан патоген иксод каналари *Ixodes*, *Boophilus*, *Hyalomma*, *Rhipicephalus*, *Haemophysalis* ва *Dermacentor* авлодлари вакиллари учрайди. Улар доимий текинхўрлик қилиб яшайдиган эктопаразитлар бўлиб, ўз хўжайинларига мослашган. Бироқ қон сўраётган кана бегона ҳайвон танасига ўтмайди, аммо оч қолган кана ҳар қандай ҳайвонга ҳаттоки инсонларга ҳам хужум қилади ва иксодидоз касаллигига сабаб бўлади. Иксодидоз касаллигига чалинган ҳар қандай ҳайвон қон паразитар касалликларига чалинади, агар уша ҳайвон танасига ёпишган каналарнинг танасида қон паразитар касалликларнинг кўзғатувчилари бўлса.

Уларнинг фаунистик таркиби ҳар хил экостацияларда маълум даражада фарқ қилади. Иксод каналарида тухум, личинка, нимфа стадиялари бўлиб сўнгга имагога айланади. *Boophilus calcaratus* каналарининг личинка, нимфа ва имаго стадиялари ҳайвон танасида, *Hyalomma anatolicum*, *Hyalomma detritum* турларининг нимфаси кемирувчи, майда ҳайвонлар танасида (қуён, тулки юмронқозиқ ва бош.) қон сўриб тўллаб (линка) оч имагога айланади, кейин қорамол қўй ва бошқа ҳайвонлар танасига ўтади.

Кана қон сўриш учун сўргичини (хобаток) ишга туширишдан олдин, тери юзасига секрет ажратади ва ҳайвон териси юмшагандан сўнг сўргичини қадаб қон сўра бошлайди. Битта урғочи кана ўлжасидан 2-4 мл гача қон сўриши мумкин. Канада ҳид билиш рецепторлари жуда яхши ривожланган бўлиб, улар ўлжасини бир неча метр масофадан аниқлайди ва уша томонга қараб ҳаракатланади. Каналар кўроқ ориқ молларга хужум қилади.

Каналар қуёш нурларига чидамсиз ҳисобланиб, улар куннинг иссиқ вақтларида ернинг ёриқларига, тупроқдаги кесак тагларига, деворларнинг ковакларига ва бошқа пана жойларда жойлашади. Каналарнинг ҳаракати эрталаб соат 8 - 9 дан 11гача, куннинг иккинчи ярмида эса 17-19 гача давом этади. Мамлакатимизда иксод каналари ҳаракати апрел ойидан бошланиб июл ойларида жадаллашади ва август ойларида нисбатан секинлашади. Каналар асосан эски чорвачилик биноларида, чорва молларини гўнглари сақланадиган жойларда кўпроқ учрайди. Ҳайвон танасига ўнлаб- юзлаб каналар ёпишиши кузатилади. Каналар асосан ҳайвоннинг териси юзасида юнги кам, териси юпка ва пана жойларига (сут беи, ҳайвоннинг олд ва орқа чотларига, анус ва жинсий органлар атрофларига) жойлашади.

Иксодидоз кана орқали юқадиган захарланиш *Ixodidae* оиласига мансуб иксод каналарининг ҳайвонларга оммавий хужуми пайтида юзага келади. Иксод каналари хўжайин танасига тушган пайдан бошлаб қон сўришнинг

охиригача эктопаразит ҳаёт тарзини олиб боради. Иксод каналари қорамолга ва бошқа ҳар қандай ҳайвонга ёпишганда ва унинг қонини сўрганда ўша ҳайвон иксодидоз касаллигига чалинади. Улар оч қолганда озиқланиш манбаини тополмаган вақтда инсонларга ҳам хужум қилади. Кана ҳайвон танасига ёпишиб қонини сўрганда қон сўрғичидан оғриқли заҳар чиқаради. Бу токсин модда, кана ҳайвон танасига ёпишган вақтда уша жойнинг (масалан, елиннинг) қон оқимини суялтиришда ва қонни сўрилишида хизмат қилади. Бунда ҳайвон қаттиқ безовталанади, ҳолсизланади. Камқонлик кузатилади, ҳайвон озиб, маҳсулдорлиги кескин пасайиб кетади. Ҳайвоннинг ташқи таъсирларга сезгирлиги сусаяди. Кананинг ҳайвон тана қисмларига ёпишган жойлари (сўрғичини қадаган жойлар) қаттиқ қизғиш тўқимага айланиб қолади ва терининг маҳаллий шикастланишига олиб келади. Улар одатий қон сўрувчилар ҳисобланади, қон улар учун ягона озиқ-овқат туридир.

Иксод каналар мавсумийлиги

Жадвал 1

Иксод каналар <i>Ixodidae</i>	Кана турлари	Ҳайвонлар турлари	Мавсумлар
	1. <i>Hyalomma anatolicum</i> 2. <i>H. detritum</i>	асосан қорамол	Иссиқ мавсумларда кишда
	3. <i>H. scupense</i>	Қорамол	Асосан май-октябрь ойлари
	4. <i>H. plumbeum</i>	Қорамол	Иссиқ мавсумларда нимфаси
	5. <i>Dermacentor marginatus</i>	Қорамол	Иссиқ мавсумларда
	6. <i>Rhipicephalus bursa</i> 7. <i>Rh. turanicus</i>	Қорамол	Барча мавсумларда, кишда личинка ва нимфаси
	8. <i>Haemaphysalis sulcata</i> 9. <i>H. punctata</i> (яйлов)	қорамол қорамол	Иссиқ мавсумларда

Бу ҳолатда ўз навбатида, ҳайвон ҳам ўз-ўзини тозалаш реакциялари, ҳам маҳаллий ҳам умумий ҳарактердаги иммунологик реакциялар орқали паразитдан холос бўлишга ёки зарарни камайтиришга ҳаракат қилади. Иксод каналари қорамолларнинг қонини сўрганда ва қон сўриб туйгандан сўнг имаголик даврига утган вақтда уларнинг танаси нимфалик даврига нисбатан (урғочилариники) 8-10 баробар катталашиб кетади. Бу эса унинг насл қолдириш яъни, тухум қўйиш имкониятини оширади.

Бундан ташқари иксод каналари ўзининг танасида 250 га яқин хавфли вирус қўзғатувчиларини сақлайди ва ўта хавфли трансмиссив касалликларнинг тарқатувчилари ҳисобланади. Бу касалликлар канадан ҳайвонга уларнинг сўлаги орқали юқади.

Иксодидоз мавсумий касаллик бўлиб деярли барча турдаги ҳайвонларда учрайди. Бу касалликнинг бошланиши баҳор мавсумида бўлиб, ёз мавсумида уларни авжига чиқиши кузатилади. Қорамолларнинг қон паразитар касалликлари республикамизнинг барча вилоятларида учраб, йилнинг иссиқ даврида қорамолчиликка жуда катта зарар келтиради. Ушбу касалликлар гуруҳи юқори маҳсулдор моллар учун айниқса жуда хавфли ва кўпинча уларнинг ўлими билан тугалланади.

2024 йил мобайнида иксод каналарининг фаунаси, экологияси ҳамда мавсумий динамикасини ўрганиш мақсадида илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Тадқиқотлар Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани Зарафшон воҳаси ҳудудларида (экотонларда) ва “Тепакшилоқ”, “Ўртақишлоқ”, “Боғизоғон” ҳамда “Файзиобод” маҳаллаларидаги (экотопларда) шахсий, хусусий ва деҳқон (фермер) хўжаликларида мавжуд табиий (спонтан) ҳолда зарарланган чорва молларида олиб борилди. Тадқиқотлар жараёнида экотонларда қорамолларда *Dermacentor* турларининг доминантлик қилиши кузатилди. Экотопларда эса *Hyalomma*, *Rhipicephalus* кана авлоди турлари доминантлик қилиши қайд этилди.

Хулоса: 1. Олиб борилган илмий-тадқиқотларда маълум бўлдики, иксод каналари паразитлик қилиш жараёни ёз мавсумида жадаллашади.

2. Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани ҳудудида иксод каналарининг экотонларда *D. marginatus* турининг доминантлик қилиши аниқланди. Экотопларда эса *Hyalomma*, *Rhipicephalus* кана авлоди турлари доминантлик қилиши қайд этилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жаҳонгиров, Ш. М., Хамзаев, Р. А., & Рахимов, М. Р. (2023). ФАУНА И ЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ МОСКИТОВ (DIPTERA, PSYCHODIDAE, PHLEBOTOMINAE) В ОЧАГАХ ЛЕЙШМАНИОЗОВ УЗБЕКИСТАНА. 2017, No. 1 (101/1), 101(67), 5-10.

2. Исмоилов, А. Ш., Пулотов, Ф. С., Рахимов, М. Ю., Джалолов, А. А., Болтаев, Д. М., & Шеркулов, А. М. (2024). ЭСТРОЗ ВА УНИ БИОИНСЕКТИЦИД ПРЕПАРАТИ БИЛАН ДАВОЛАШ САМАРАДОРЛИГИ. *Ustozlar uchun*, 1(1), 79-83.

3. Рахимов, М. Ю., Пулотов, Ф. С., Исмоилов, А. Ш., Джалолов, А. А., & Болтаев, Д. М. (2024). ИКСОДИДОЗ КАСАЛЛИГИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШДА ДЕЛЬТАМЕТРИН 5 ПИРЕТРОИДИНИНГ САМАРАСИ. *Ustozlar uchun*, 1(1), 84-89.

4. Пулотов, Ф. С., Исмоилов, А. Ш., Рахимов, М. Ю., Джалолов, А. А., Болтаев, Д. М., & Сайфиддинов, К. Ф. (2024). ИЗУЧЕНИЕ СПОСОБОВ КУЛЬТИВИРОВАНИЯ ШТАММА БАКТЕРИЙ *BACILLUS THURINGIENSIS* VAR. *THURINGIENSIS* УЗВИТИ М№ 1. *Ustozlar uchun*, 1(1), 144-148.

5. Boltayev, D. M., Pulotov, F. S., Sh, I. A., Rahimov, M. Y., & Djalolov, A. A. (2024). СЫПРА ЕС ПРЕПАРАТИНИНГ ЕЧКИЛАРНИНГ JUNXO ‘RLARIGA NISBATAN INSEKTITSID TA’SIRI. *Ustozlar uchun*, 1(1), 259-263.

6. Xolov, S. R., Rahimov, M. Y., Po‘lotov, F. S., Ismoilov, A. S., Djalolov, A. A., & Boltayev, D. M. (2024). QO ‘YLAR IXODIDOZLARIGA QARSHI DELTAMETRIN 5 PREPARATINING SAMARADORLIGI. *Ustozlar uchun*, 1(1), 90-95.

7. Рахимов, М., Япаров, Э., Курбонов, Р., & Мирзаев, Е. (2011). Эпизоотическая характеристика лептоспироза и профилактика заболевания. *in Library*, 3(3), 316-317.

8. Рахимов, М. (2013). Организация профилактики мочекаменной болезни и результаты длительного наблюдения за больными в хорезмском регионе. *Журнал вестник врача*, 1(3), 151-154.
9. Рахимов, М. (2015). Испытания новых инсектоакарицидных препаратов. *in Library*, 1(3), 193-195.
10. Рахимов, М., & Рузимуродов, А. (2016). Исследование инсектицидных и акарицидных свойств препаратов УБК-IX-V и УБК-IXE 25%. *in Library*, 16(2), 37-38.
11. Рахимов, М. (2016). Эндемичная миграция клещей. *in Library*, 16(1), 15-16.
12. Рахимов, М., & Абдуллаева, Д. (2017). Иксодовые клещи и карантин 10. *in Library*, 17(3), 41-42.
13. Рахимов, М. (2018). Территориальное распространение иксодовых клещей. *in Library*, 18(3), 26-27.
14. Рахимов, М., & Рузимуродов, А. (2019). Акарицидная активность пиретроида дельтаметрина. *in Library*, 19(2).
15. Рахимов, М., Ибрагимов, Ф., & Дускулов, В. (2021). Действие препарата апифлоркс при инфекционных заболеваниях пчел. *in Library*, 21(2), 611-614.
16. Рахимов, М. (2022). Меры профилактики и лечения варроатоза пчел. *in Library*, 22(1), 186-189.
17. Рахимов, М., & Пулатов, Ф. (2022). Акарицидная эффективность препарата Альфа-Шакти. *in Library*, 22(4), 133-137.
18. Рахимов, М. (2022). Акарапидоз пчел, меры профилактики и лечения. *in Library*, 22(1), 181-185.
19. Рахимов, М., & Пулатов, Ф. (2023). Биопрепарат-Битоксибациллин (По данным литературы). *in Library*, 3(3).
20. Пулатов, Ф., & Рахимов, М. (2019). Применение циперметрина против паразитов сельскохозяйственных животных. *in Library*, 19(3), 307-308.
21. Рахимов, М. (2022). Сезонная миграция иксодовых каналов. *Перспективы развития ветеринарной науки и её роль в обеспечении пищевой безопасности*, 1(2), 115-118.
22. Рахимов, М. (2022). Асалариларнинг акарапидоз касаллиги, олдини олиш ва даволаш чоралари. *Перспективы развития ветеринарной науки и её роль в обеспечении пищевой безопасности*, 1(2), 109-114.
23. Рахимов, М., & Пулатов, Ф. (2020). Эффективность дельтаметрина против эктопаразитов. *in Library*, 20(3), 27-28.
24. Рахимов, М., Давидов, О., Элмуродов, Б., & Уракова, Р. (2022). Распространение болезни тропилеллапидоза пчел в Узбекистане и меры борьбы с ним. *in Library*, 22(4), 19-21.
25. Элмуродов, Б., Давидов, О., Уракова, Р., & Рахимов, М. (2022). Распространение и меры борьбы с пчелиным тропилапсозом в Узбекистане. *in Library*, 22(4), 19-21.